

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**САДИКОВ НАБИЖАН САБИРЖОНОВИЧ**

**ДИАФРАГМАНИ ҚИЗИЛҮНГАЧ ТЕШИГИ ЧУРРАЛАРИ БЎЛГАН  
БЕМОРЛАРДА ХИРУРГИК ДАВО НАТИЖАЛАРИНИ  
ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)**

**Садиков Набижан Сабиржонович**

Диафрагмани қизилўнгач тешиги чурралари бўлган беморларда  
хирургик даво натижаларини яхшилаш йўллари..... 3

**Садиков Набижан Сабиржонович**

Пути улучшения результатов хирургического лечения больных  
грыжами пищеводного отверстия диафрагмы..... 21

**Sadikov Nabijan Sabirjonovich**

Ways to improve the results of surgical treatment of patients  
with hiatal hernia..... 39

**Эълон қилинганишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**САДИКОВ НАБИЖАН САБИРЖОНОВИЧ**

**ДИАФРАГМАНИ ҚИЗИЛҲҲНГАЧ ТЕШИГИ ЧУРРАЛАРИ БЎЛГАН  
БЕМОРЛАРДА ХИРУРГИК ДАВО НАТИЖАЛАРИНИ  
ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tib112 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Академик В.Воҳидовномадаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферат иуч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Хашимов Шухрат Хуршидович</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Беркинов Улугбек Базарбаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Хаджибаев Фарход Абдухакимович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Андижон давлат тиббиёт институти</b>

Диссертация ҳимояси Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (132 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.Г. Назиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор,  
академик

**А.Х. Бабаджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.В. Девятов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
Қошидаги илмий семинар раиси,  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 2019 йилда диафрагманинг қизилўнғач тешиги чурраси (ДҚТЧ) ушбу соҳадаги барча чурраларнинг 98 фоизини ташкил этди. Таъкидлаш лозимки, беморларнинг 50 фоизда ДҚТЧ клиник жиҳатдан намоён бўлмайди ва шунинг учун ташхисланмайди. Аммо, бошқа томондан, асоратли кечишнинг ривожланиши билан, ушбу патологияни даволаш муаммоси, рефлюкс эзофагит фонида қизилўнғач шиллиқ қаватидаги яллиғланиш ўзгаришларининг мавжуд клиник кўринишларини тўхтатиш эмас, балки ушбу ўзгаришларнинг шаклланишига сабаб бўлган касалликнинг этиологик омилини бартараф қилишдан иборат бўлади. Шунинг ҳисобга олиш керакки, консерватив даво, аксарият муаллифларнинг фикрига кўра, ҳатто замонавий дори воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳам, фақат вақтинчалик самара беради. Хусусан, «беморларнинг 44%ида камида 1 ойда бир марта зарда бўлиш аломатлари пайдо бўлади, 7%ида эса ҳар куни кузатилади»<sup>1</sup>. Шу муносабат билан хирургик аралашув ДҚТЧнинг клиник жиҳатдан аҳамиятли шакллари даволашнинг асосий усули ҳисобланади. Ўз навбатида, «ташрихдан кейинги яқин ва узоқ муддатдаги натижаларнинг қониқарсизлиги туфайли хирургик усулларнинг самарадорлиги ҳам ҳал этилмаган муаммолар сирасига киради»<sup>2</sup>.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда турли сабаб-оқибат омилларига боғлиқ ҳолда ДҚТЧ ривожланишининг патогенези ва уларнинг рецидиви хусусиятларини аниқлашга доир тадқиқотлар долзарблигича қолмоқда. Диафрагманинг қизилўнғач тешиги соҳасини қон билан таъминланиши ҳамда маҳаллий яллиғланиш реакциясининг яққоллигини ҳисобга олган ҳолда протезли хиатопластикада қўлланиладиган турли синтетик материаллар билан диафрагма тўқималари ўзаро таъсирининг морфологик ва иммуногистокимёвий жиҳатларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Антирефлюкс ташрихлардан сўнг беморларда ДҚТЧ рецидивининг предикторларини аниқлашга оид тадқиқотлар катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг замонавий босқичида натижаларни яхшилашга ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини сезиларли даражада кенгайтиришга йўналтирилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, хусусан, ДҚТЧ билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини оширишда ижобий натижаларга эришилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф тоифаларининг тўлақонли ҳаёт

<sup>1</sup>Bonavina L. Reoperation for failed antireflux surgery / L. Bonavina // Failed Anti-Reflux Therapy: Analysis of Causes and Principles of Treatment / P Marco Fisichella.-London: Springer, 2017.-C.111.

<sup>2</sup> Long-Term Results After Laparoscopic Reoperation for Failed Antireflux Procedure / G. Quero, A. Lapergola, L. Guerriero, B. Dallemagne// Hiatal Hernia Surgery.-Cham: Springer, 2018.-P.255-267.

кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган<sup>3</sup>. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, даволаш тактикасини такомиллаштириш, каминвазив ва хирургик даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш орқали ДҚТЧ билан касалланган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Умуман олганда, ДҚТЧ аҳоли орасида нисбатан кенг тарқалган касаллик эканлиги исботланган. Бу ошқозон ва қорин бўшлиғи бошқа ички аъзоларининг кўкс оралиғига чиқиб кетишига олиб келувчи қорин бўшлиғи ички босимининг ошиши натижасида юзага келади. Унинг ривожланиши учун ортиқча тана вазни ва кекса ёш асосий хавф омиллари ҳисобланади. ДҚТЧ частотаси гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги (ГЭРК) ташхиси билан узвий боғлиқдир<sup>4</sup>. ДҚТЧ тарқалиши 18,92% ни ташкил этиши, ДҚТЧ ҳамда ёш, этник келиб чиқиш ўртасида кучли боғлиқлик мавжудлиги, шунингдек, жинс ва тана массаси индексига асосланган ҳеч қандай боғлиқлик йўқлиги аниқланган<sup>5</sup>. ДҚТЧ билан оғриган беморларнинг сўлагида кальций миқдори нормадан деярли икки барабар кўп эканлиги аниқланган. Шундай қилиб, сўлакдаги кальцийни аниқлаш ГЭРК билан боғлиқ бўлган ДҚТЧнинг оддий инвазив бўлмаган диагностик белгиси сифатида ишлатилиши мумкин<sup>6</sup>. Chan D.L. ва бошқ. (2020) эндоскопик текширув маълумотларининг интраоперацион маълумотлар билан таққослаганлар. Тадқиқотга 434 нафар бемор киритилган бўлиб, уларнинг 37 нафарига ДҚТЧ аниқланган (тарқалиш даражаси 8,55%). Эндоскопик текширувнинг сезгирлиги 75,68% ни ва спецификлиги – 91,44% ни ташкил

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

<sup>4</sup>Sfara A, Dumitrascu DL. The management of hiatal hernia: an update on diagnosis and treatment. Med Pharm Rep. 2019;92(4):321-325. doi:10.15386/mpr-1323

<sup>5</sup>Mani VR, Kalabin A, Nwakanama C, Suman P, Ahmed L. Preoperative versus intraoperative diagnosis of hiatal hernia in bariatric population. Surg Obes Relat Dis. 2019 Nov;15(11):1949-1955. doi: 10.1016/j.soard.2019.08.553. Epub 2019 Sep 13. PMID: 31648979.

<sup>6</sup>Stasyshyn AR, Bychkov MA, Bychkova SV. A new method of diagnosis of the hiatal hernia associated with gastroesophageal reflux disease. Wiad Lek. 2019;72(2):186-188. PMID: 30903770.

этган. Муаллифлар эндоскопия ДҚТЧнинг ташрихдан аввалги ташхисоти учун юкори диагностик аниқликка (90,09%) эга бўлиши мумкин деган хулосага келишган<sup>7</sup>.

ДҚТЧни хирургик даволаш бўйича ҳозирги қўлланма 2013 йилда Америка гастроинтестинал ва эндоскопик хирурглар жамияти (SAGES) томонидан ишлаб чиқилган. Аксарият муаллифлар лапароскопик герниопластика пайтида фундопликацияни амалга ошириш керак деб ҳисоблашади, бу ГЭРКаломатларини ва асоратлар частотасини камайтиради<sup>8</sup>. Адабиётларни тизимли шарҳи натижасида (MEDLINE ва EMBASE) сетка билан круропластика қилиш ва катта ДҚТЧларда тикувли пластика усуллари таққосланган 13 та тадқиқот (1194 бемор) аниқланди. Мета-таҳлил шуни кўрсатдики, бирламчи чоклар қўйилганда рецидив хавфи 4 барабар ортган, бунда рецидивнинг ўртача даражаси чоклар қўйилгандан сўнг 24,3%ни ва сетка билан мустаҳкамланган пластикадан кейин эса 5,8%ни ташкил қилган. Ташрихдан кейинги дисфагия фундопликацион манжета билан эмас, одатда диафрагмани тиклаш билан боғлиқ. Рефлюкс рецидиви кўпинча манжетанинг сирпаниши ва қайталанган чурра туфайли юзага келади, бунда дисфагия сабабли такрорий ташрихлар 2%ни, такрорий рефлюкс 6%ни ташкил қилади<sup>9</sup>. Муайян хирургик аралашув нуқтаи назаридан диафрагманинг қизилўнгач тешигининг сирт майдонини ўлчаш учун мультidetекторли компьютер томографияси (MDCT) ёрдамида мультипланар реконструкция (MPR) сканерлаш усули ишлаб чиқилган. Ушбу ҳажмли ўлчовлардан фойдаланиш жарроҳга хирургик кириш йўли ва тиклашнинг мураккаблигини тахмин қилиш имконини бериши аниқланди, чунки HSVнинг 100 см<sup>3</sup> га ва HDA нинг 5 см<sup>2</sup> га босқичма-босқич катталашиши оператив аралашувни сезиларли даражада мураккаблаштиради ва катта эҳтимол билан мураккаб пластик усулларни талаб қилади<sup>10</sup>.

Адабиёт маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, такрорий ташрихларга кўрсатмалар, хирургик аралашув усулини танлаш, даволашнинг бевосита ва узоқ муддатдаги натижаларини таҳлил қилиш билан боғлиқ масалалар бугунги кунгача долзарб бўлиб, ҳал қилинмаган. Шу муносабат билан, ДҚТЧни хирургик даволаш усулларини такомиллаштиришнинг янги йўллари излаш, шунингдек, ушбу тоифадаги беморларни дифференциал даволаш тактикасини ишлаб чиқиш ва тизимлаштириш учун кейинги тадқиқотлар талаб этилади.

<sup>7</sup>Chan DL, Wong SK, Lok HT, et al. Accuracy of hiatal hernia diagnosis in bariatric patients: Preoperative endoscopy versus intraoperative reference. *JGH Open*. 2020;4(6):1074-1078. Published 2020 Jul 30. doi:10.1002/jgh3.12388

<sup>8</sup>Li ZT, Ji F, Han XW et al. Role of fundoplication in treatment of patients with symptoms of hiatal hernia. *Sci Rep*. 2019;9(1):12544. Published 2019 Aug 29. doi:10.1038/s41598-019-48740-x

<sup>9</sup>Timerbulatov MV, Senderovich EI, Grishina EE, Gimaev EF, Kazakov NM. Povtornyeyoperatsii posle laparoskopicheskikh fundoplikatsii [Redo surgery after laparoscopic fundoplication]. *Khirurgiia (Mosk)*. 2019;(10):29-35. Russian. doi: 10.17116/hirurgia201910129. PMID: 31626236.

<sup>10</sup>Kao AM, Ross SW, Otero J, Maloney SR, Prasad T, Augenstein VA, Heniford BT, Colavita PD. Use of computed tomography volumetric measurements to predict operative techniques in paraesophageal hernia repair. *Surg Endosc*. 2020 Apr;34(4):1785-1794. doi: 10.1007/s00464-019-06930-8. Epub 2019 Aug 12. PMID: 31407111.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ АТСС 3.4-сонли “Диафрагманинг қизилўнгач тешиги чурраларини хирургик даволашда янги технологияларни ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган (2013-2015й.).

**Тадқиқотнинг мақсади** протезли хиатопластика, каминвазив технологиялар ва паст интенсивли лазер нурланишини жорий этиш орқали диафрагманинг қизилўнгач тешиги чурраси билан оғриган беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

хиатал чурранинг турли хил вариантлари бўлган беморларда клиник, эндоскопик ва рентгенологик ўзгаришларнинг хусусиятларини баҳолаш;

тажрибада диафрагманинг морфологик ўзгаришларига турли имплантларнинг таъсирини ўрганиш ва натижаларни қиёсий таҳлил қилиш орқали диафрагманинг қизилўнгач тешиги пластикаси учун протезнинг мақбул турини аниқлаш;

ёт жисмга (имплантация қилинган протез) нисбатан диафрагма тўқималаридаги морфологик ўзгаришларнинг хусусиятларига паст интенсивликдаги лазер нурланишининг таъсирини аниқлаш;

хиатал чурра билан оғриган беморларни хирургик даволашнинг қониқарсиз натижаларининг тактик ва техник сабаблари спектрини баҳолаш ва уларни ҳал қилиш йўллари аниқлаш;

протезли хиатопластикага кўрсатмаларни асослаш ва хиатал чурраси бўлган беморларда очик ҳамда лапароскопик аралашувларнинг бевосита ва узоқ муддатдаги натижаларини қиёсий баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2006-2019 йиллар мобайнида академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг умумий ва лазер хирургияси бўлимида диафрагманинг қизилўнгач тешиги чурраситуфайли даволанган 249 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** турли типдаги диафрагманинг қизилўнгач тешиги чурраси беморларда каминвазив ва анъанавий хирургик даволаш натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, биокимёвий, инструментал, морфологик ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

жинси, ёши, чурра турига, шунингдек гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг клиник жиҳатдан аҳамиятли кўринишларига боғлиқ ҳолда хиатал чурраларда маҳаллий патологик жараён кечишининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган;



яллиғланиш жараёнининг намоён бўлиши редукцияси даражасини ва барча турдаги сеткалар юзасида бириктирувчи тўқимали капсула пайдо бўлиш вақтини текшириш билан паст интенсив лазер нурланиш таъсирида тикув материали соҳасидаги тўқималар ўзгаришининг морфоструктуравий динамикасига аниқлик киритилган;

экспериментал тадқиқотлар орқали, PROCEED ва PROLEN билан солиштирганда, протезли хиатопластикани ўтказишда энг кам фаолликдаги яллиғланиш реакцияси ривожланиши билан намоён бўладиган PTFE типидagi композит сеткаларни имплантация қилишнинг афзаллиги исботланган;

хиатал чурра турига, рефлюкс эзофагитнинг оғирлик даражасига ва клиник аҳамиятга эга бўлган хамрох хирургик касалликнинг мавжудлигига боғлиқ холда ташрих усулини хамда хирургик кириш йўлини (лапаротомия, лапароскопия) дифференциал танлашнинг асосий тактик ва техник жиҳатлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

морфологик тадқиқотлар натижасида синтетик эндопротезларни имплантация қилишда яллиғланишнинг пролифератив босқичи узок муддатдаги кузатувда бириктирувчи тўқимали капсула шаклланиши билан яқунланиши, бунда энг яққол намоён бўлган яллиғланиш реакциялари PROCEED сеткаси имплантация қилинганда қайд этилганлиги аниқланган;

ташрихдан кейинги даврда лазер нурланишидан фойдаланиш яллиғланишнинг альтератив босқичининг намоён бўлишини хамда хирургик иплар жойлашган соҳада қон куйилиш ўчоқлари шаклланишини камайтириш, бунинг натижасида ташрихдан кейинги асоратлар сонини озайтириш, диафрагманинг қизилўнғач тешигининг II ва III турдаги чурралари бўлган беморларни хирургик даволашнинг бевосита ва узок муддатдаги натижаларини яхшилаш имконини бериши исботланган;

диафрагманинг қизилўнғач тешигини лапаротом ва лапароскопик кириш орқали анъанавий хамда протезли пластикаси натижаларини қиёсий баҳолаш асосида протезли хиатопластикага кўрсатмалар аниқлаштирилган;

диафрагманинг қизилўнғач тешигининг I II ва III турдаги чурралари билан оғриган беморларда хирургик даволаш усулини танлашга дифференциал ёндашувни жорий этиш, ушбу тоифадаги беморларни хирургик даволашнинг бевосита ва узок муддатдаги натижаларини яхшилаши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, замонавий ташхисот ва даволаш усулларидан фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар хамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, тўқималарнинг аллотрансплантант билан ўзаро таъсири натижасидаги морфологик

жараёнларнинг хусусиятларини аниқлаш билан диафрагманинг қизилўнғач тешиги чурраси зўрайиши патогенезини, шунингдек, лазер нурлантириш таъсири остида имплантация соҳасидаги ўзгаришларни ўрганишга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диафрагманинг қизилўнғач тешиги чурраси мавжуд беморларда хирургик аралашувни танлашга дифференциал ёндашувни жорий этиш ташрихдан кейинги асоратларни ҳамда касалликнинг қайталанишини камайтиришга имкон берганлиги, ва шу билан, ушбу тоифадаги беморларда бевосита ва узоқ муддатдаги натижаларни яхшилаши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диафрагманинг қизилўнғач тешиги чурраси мавжуд беморларни хирургик даволашни яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Диафрагманинг қизилўнғач тешиги чуррасини хирургик даволаш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосиба ишлаб чиқилган «Диафрагманинг қизилўнғач тешиги чуррасини хирургик даволаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 декабрдаги 08-09/20115-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар оператив аралашув турини танлашга дифференциаллашган ёндашувни қўллаш орқали диафрагманинг қизилўнғач тешиги чуррасини ташхислаш ҳамда хирургик даволаш тактикасини мақбуллаштиришга имкон берган;

олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятига, жумладан, академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг умумий ва лазер хирургияси бўлимига, шунингдек, РИШТЁИМ Хоразм филиалининг хирургия бўлимига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 декабрдаги 08-09/20115-сон маълумотномаси). Протез хиатопластика ва лазеротерапиянинг таклиф қилинган усули ташрихдан кейинги асоратлар частотасини 29,5% дан 4,5% гача, узоқ муддатдаги специфик асоратлар сонини 24,4% дан 9% гача камайтиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблилиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган,

тадқиқот натижаларининг апробацияси ва чоп этилган илмий ишлар, диссертациянинг хажми ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Диафрагманинг қизилўнгач тешиги чуррасини хирургик даволашнинг замонавий тамойиллари”** номли биринчи бобида ДҚТЧ билан бўлган беморларни даволаш тактикаси муаммоси бўйича батафсил таҳлил, танқидий баҳолаш, илмий маълумотни умумлаштириш ва тизимлаштириш ўтказилган, кейинчалик хал этишни талаб этувчи долзарб масалалар ўрганилган. Адабиётларнинг ўтказилган таҳлили натижасида ушбу муаммо бўйича хал этилмаган вазифалар аниқланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материалининг клиник тавсифи, тадқиқот усуллари ва лазерли технологияларнинг шарҳи”** номли иккинчи бобида тадқиқотнинг клиник материали ва фойдаланилган тадқиқот усуллари баён этилган. Тадқиқот 2006 йилдан 2019 йилларга бўлган даврда диафрагманинг қизилўнгач тешиги чурраси бўйича ташрих қилинган 249 нафар беморларнинг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини ўрганиш тажрибасига асосланган. Узоқ муддатли даврда, 1 ойдан 2 йилгача бўлган муддатда, академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида 1991 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда ДҚТЧ II, ва III турлари бўйича ташрих ўтказилган 194 нафар бемор текширилган. Қиёсий гуруҳни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда ташрих қилинган 173 нафар беморлар ташкил этди. Асосий гуруҳга 2006 йилдан, шу жумладан, 2019 йилгача бўлган даврда ташрих ўтказилган 76 нафар бемор киритилди.

Асосий гуруҳда протезли хиатопластиканинг оригинал усули, ҳамда ташрихдан кейинги даврда паст интенсивликдаги лазер нурлантириш (ПИЛН) дан фойдаланилган.

Беморларда умумий клиник, ҳамда махсус инструментал текширув усулларини ўз ичига олган комплекс текширувлар ўтказилган.

Диссертациянинг учинчи бобида **“Диафрагманинг қизилўнгач тешиги чуррасининг I тури бўлган беморларни хирургик даволаш натижалари”** келтирилган. Беморлар текширилганда, I турдаги чурралар 144 нафар беморда аниқланган бўлиб, шулардан 2 нафарида (1,3%) қизилўнгачли, 100 тасида (69,4%) – кардиал ва 42 тасида (29,1%) кардио-фундал тури ташкил этди. Қизилўнгачли ДҚТЧ 2 нафар беморда аниқланган бўлиб, 1,3% ташкил этди. Шундан, қиёсий гуруҳда 1 нафарни (0,9%) ва асосий гуруҳда 1 нафарни (3,1%) ташкил этди. Қиёсий гуруҳда кардиал ДҚТЧ 77 нафар (68,7%) беморда ва асосий гуруҳда 23 нафар (71,8%) беморда аниқланди. Кардиофундал ДҚТЧ қиёсий гуруҳда 34 нафар (30,3%) ва асосий гуруҳда 8 нафар (25%) беморда аниқланди. ДҚТЧ нинг I тури бўйича қиёсланувчи гуруҳлар аниқлиги бўйича фарқ қилмади ва репрезентабел ҳисобланди.

ДҚТЧ ни даволаш бўйича SAGES тавсияларига кўра, хирургик даволашни талаб этувчи ДҚТЧ кўп ҳолларида лапароскопик усул, уларни коррекциялашнинг энг мақбул усули ҳисобланади, зеро, очик ташрихларга нисбатан, ташрихдан кейинги асоратларнинг кам сонлилиги ва шифохонада қисқа муддат бўлишлилиги билан намоён бўлади.

**ДҚТЧ нинг I турида хирурлик амалиётнинг тавсифи.** ДҚТЧ I тури билан бўлган беморларни хирургик даволашда, 144 нафар бемордан Nissen бўйича фундопликация 94 нафар (65,2%), Touret бўйича фундопликация 38 нафар (26,3%) ва Dog бўйича фундопликация 12 нафар (12,7%) беморда амалга оширилган. Шунини таъкидлаш лозимки, қиёсий гуруҳда барча ташрихлар очик усулда, асосий гуруҳда эса барча ташрихлар лапароскопик усулда амалга оширилган. Асосий гуруҳда, ҳеч қайси ҳолатда конверсия кузатилмаган.

**Интраоперацион асоратлар.** ДҚТЧ нинг I тури бўйича бажарилган ташрихларда 123 нафар беморда интраоперацион асоратлар кузатилмаган, бу 85,4% ташкил этган. Бунда, қиёсий гуруҳда, 94 нафар (84%), асосий гуруҳда эса 29 нафар (90,6%) беморда ташрих вақтида асоратлар кузатилмади. Интраоперацион асоратлар 21 нафар беморда аниқланган бўлиб, 14,5% ташкил этган, шулардан қиёсий гуруҳда 18 нафар (16%) ва асосий гуруҳда 3 нафар (9,3%) беморда кузатилган.

Қиёсий гуруҳда, адашган нервнинг шикастланиши 5 нафар (4,4%), медиастинал плевранинг шикастланиши 4 нафар (3,5%) ва талоқнинг тракцион ёрилиши 6 нафар (5,3%) беморда кузатилган. Асосий гуруҳда адашган нервнинг шикастланиши 2 нафар (2,3%), медиастинал плевранинг шикастланиши 1 нафар (3,1%) беморда кузатилган.

Ушбу статистикага кўра, таққосланаётган гуруҳлардаги интраоперацион асоратларнинг сонидан аниқ фарқлар ( $\chi^2=0.9$ ,  $p=0.34$ ) кузатилмаган. Барча интраоперацион асоратлар ДҚТЧ ва қизилўнгачнинг абдоминал қисмини мобилизация қилиш босқичида ҳамда фундопликацион манжета шакллантиришда кузатилган.

**Ташрихлар давомийлиги.** Ташрихларнинг давомийлиги таҳлил қилинганда, қуйидаги вақт оралиқлари баҳоланди: ташрихлар давомийлиги 60 дақиқадан 6 нафар (4,1%), 60-120 дақиқа 74 нафар (51,3%), 120-180 дақиқа 41 нафар (28,4%), 180 ва ундан ортиқ вақт 23 нафар (16%) беморда кузатилган. Ташрихлар давомийлигининг таҳлили 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Ташрихлар давомийлиги**

Ташрихлар давомийлиги	Қиёсий гуруҳ	Асосий гуруҳ	Жами
60 дақиқадан	4(3,5%)	2(6,2%)	6(4,1%)
60-120 дақиқа	53(47,3%)	21(65,6%)	74(51,3%)
120-180 дақиқа	32(28,5%)	9(28,1%)	41(28,4%)
180 дақиқа ва ундан ортиқ	23(20,5%)	-	23(16%)
Жами	112(100%)	32(100%)	144(100%)

**Ташрихдан кейинги асоратлар.** Ташрихдан кейинги асоратлар 2 гуруҳга: хоҳлаган оператив амалиётда учрайдиган умумий асоратлар (2-

жадвал), ва аниқ кўринишдаги ташрихдан кейин ривожланувчи спецификасоратларга (3-жадвал) ажратилди. Ташрихдан кейинги асоратлар сифатида намоён бўлувчи ўлим ҳолатлари кузатилмади.

**2-жадвал**

**Ташрихдан кейинги умумий асоратлар**

Умумий асоратлар	Қиёсий гуруҳ	Асосий гуруҳ	Жами
Асоратлар кузатилмаган	97(86,6%)	30(93,7%)	127(88,2%)
Ташрихдан кейинги асоратлар	15(13,4%)	2(6,2%)	17(11,8%)
Жарохатнинг йиринглаши	4(3,5%)	-	4(2,7%)
Жарохатдан қон кетиши	2(1,7%)	-	2(1,3%)
Зотилжам	3(2,6%)	-	3(2%)
Плеврит	2(1,7%)	1(3,1%)	3(2%)
Қорин бўшлиғи ички қон кетиши	1(0,9%)	-	1(0,7%)
Юрак қон томир тизими асоратлари	3(2,6%)	1(3,1%)	4(2,7%)
Жами	112(100%)	32(100%)	144(100%)

Специфик асоратлар 19 нафар беморда кузатилган бўлиб, 13,4% ташкил этди(3-жадвал).

**3-жадвал**

**Ташрихдан кейинги специфик асоратлар**

Специфик асоратлар	Қиёсий гуруҳ	Асосий гуруҳ	Жами
Специфик асоратлар кузатилган	95(84,8%)	30(93,7%)	125(86,8%)
Специфик асоратлар кузатилмаган	17(15,1%)	2(6,2%)	19(13,4%)
Специфик асоратлар			
Манжетанинг гиперфункцияси	8(7,1%)	1(3,1%)	9(6,2%)
Гастростаз	9(8%)	1(3,1%)	10(7%)
Жами	112(100%)	32(100%)	144(100%)

**Периоператив даврнинг давомийлиги.** ДҚТЧ нинг Ётури билан беморларни хирургик даволашда периоперацион даврнинг давомийлиги таҳлил қилинганда, бир хил ҳажмдаги амалиётда лапароскопик техникадан фойдаланиш натижасида кичик травматиклилик ва инвазивлилик, кам миқдордаги ташрихдан кейинги асоратлар ҳисобига асосий гуруҳда беморни

стационарда бўлишлилигини қисман қисқартиришга эришилди. Гуруҳларда ташриҳдан кейинги даврнинг давомийлиги қиёсий таҳлили 4-жадвалда келтирилган.

**4-жадвал**

**Периоперацион даврнинг давомийлиги**

Шифохона кунлари	Қиёсий гуруҳ	Асосий гуруҳ	Жами
5 кунгача	-	29(90,6%)	29(20,1%)
5-7	86(76,7%)	1(3,1%)	87(60,4%)
7-10	14(12,5%)	2(6,2%)	16(11,1%)
10 ва ундан ортиқ	12(10,7%)	-	12(8,3%)
Жами	112(100%)	32(100%)	144(100%)

**Узоқ муддатли натижалар.** Ўтказилган ташриҳдан кейинги 1 ойдан 2 йилгача бўлган муддатда 101 нафар бемор текширилган бўлиб, қиёсий гуруҳда 112 нафар ташриҳ қилинган бемордан узоқ муддатли текширув 78 нафар (70%) беморда ўтказилганва 34 нафар (30,3%) беморлар назорат текшируви учун айтилган муддатга келмаганлар. Асосий гуруҳда 32 нафар ташриҳ қилинган бемордан 23 нафари текширилган бўлиб, 71,8% ташкил этган.

Илгари айтиб ўтилганидек, қуйидаги кўрсаткичлар – зарда бўлиш, дисфагия, гастростаз белгилари, фундопликацион манжетанинг рентгенологик холати ва қизилўнгач шиллик қаватининг эндоскопик холати текширилди. Беморларнинг шикоятлари специфик асоратларнинг натижаси эканлигини инобатга олган холда, шикоятлар, эндоскопия ва рентген контраст текширувининг натижаларини 3 гуруҳга – фундопликацион манжета етишмовчилиги, фундопликацион манжета гиперфункцияси, ошқозон гипо/атониясига ажратдик.

Беморларни узоқ муддатли даврда кузатилган специфик асоратларга кўра тақсимланиши 5-жадвалда келтирилган.

**5-жадвал**

**Узоқ муддатли даврдаги специфик асоратлар**

Асоратлар	Қиёсий гуруҳ	Асосий гуруҳ	Жами
Специфик асоратлар кузатилмаган	51(65,3%)	21(91,3%)	72(71,2%)
Специфик асоратлар кузатилган	27(34,6%)	2(8,6%)	29(28,7%)
Ишончлилиқ	$\chi^2=5.83, p=0.016$		
Специфик асоратлар			
Манжетанинг «етишмовчилиги»	9(11,5%)	1(4,3%)	10(10%)
Манжета гиперфункцияси	8(10,2%)	1(4,3%)	9(9%)
Гастростаз	10(12,8%)	-	10(10%)

Жами:	78(100%)	23(100%)	101(100%)
-------	----------	----------	-----------

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, узок муддатли даврдаги натижалар таҳлил қилинганда, текширилган беморлардан 72 нафарда специфик асоратлар кузатилмаган, бу 71,2% ташкил этган. Бунда қиёсий гуруҳда бу кўрсаткич 65,3%, асосий гуруҳда эса 91,3% ташкил этган. Қиёсий гуруҳда специфик асоратлар 34,6%ни ташкил этган бўлиб, асосий гуруҳда эса 8,6% гача камайган ( $\chi^2=5.83$ ,  $p=0.016$ ).

Диссертациянинг **“Лазеротерапияда синтетик сеткалар билан диафрагма тўқималари ва жигарнинг ўзаро таъсирининг тузилмавий хусусиятлари»** номли тўртинчи бобидатурли синтетик протезлар ва чокли материаллар билан диафрагма ва жигар тўқималарининг ўзаро таъсирини баҳолаш мақсадида тажрибавий-морфологик тадқиқотнинг натижалари, ҳамда репарация жараёнига ПИЛН нинг таъсири баён этилган.

Тажриба ўтказиш учун 160-200 гр вазнли «Vistar» наслидаги 30 та каламушдан фойдаланилди. Барча хайвонларга диафрагманинг қизилўнғач тешиги соҳасига интраоперацион уч турдаги эндопротезлар: PTFE, PROCEED, PROLEN қўйилди.

Тажриба хайвонлари 15 тадан тенг икки гуруҳга ажратилди. Асосий гуруҳдаги хайвонларда – ташрихдан олдин ва кейин SOGDIANAAL-1016 аппарати билан паст интензивликдаги лазерли нурланиш тери орқали ўтказилган бўлса, қиёсий гуруҳда лазерли нурланиш ўтказилмаган.

Морфологик текшириш учун PTFE, PROCEED, PROLEN протезларининг имплантациясидан кейин 7,14 ва 30 кунлари тўқима фрагменти кесиб олинган ва текширилган. Нур оптик текширувларга кўра, сеткалар имплантациясида кузатувнинг эрта муддатларида кучсиз яллиғланишли реакциялар юзага келган. Бу реакциялар PROCEED сеткаси имплантациясида яққолроқ намоён бўлган. Энг кўпроқ яққол бўлган яллиғланиш реакциялари PTFE сеткаси имплантациясида кузатилган.

Сеткалар имплантациясидан кейин жароҳат соҳасига лазер билан таъсир кўрсатиш яллиғланишнинг альтератив фазаси белгиларининг редукциясига олиб келди ва сетка юзасида нозик бириктирувчи тўқимали капсула шаклланиши билан яқунланди. Ундан ташқари хирургик толалар жойлашган соҳада қон қуйилиш ўчоқларининг шаклланишини камайтирди.

Диссертациянинг бешинчи бобида **«Диафрагманинг қизилўнғач тешиги чурраларининг II ва III турлари бўлган беморларни хирургик даволаш натижалари»** баён этилган. Беморлар текширилганда, ДҚТЧ II тури 10 нафар (9,5%) беморда аниқланган бўлиб, улардан 7 нафари (11,4%) қиёсий гуруҳдаги ва 3 нафари (6,8%) асосий гуруҳдаги беморларга тегишди эди. ДҚТЧ III тури 95 нафар (90,4%) беморда аниқланган бўлиб, қиёсий гуруҳда 54 нафар (88,5%) ва асосий гуруҳда 41 нафар (93,1%) беморда кузатилган.

**ДҚТЧ II ва III турида хирургик амалиётларнинг тавсифи.** ДҚТЧ II ва III тури бўйича бажарилган хирургик амалиётла таҳлил қилинганда, қиёсий гуруҳда ташрихни танлаш ДҚТЮ ва диафрагма оёқчалари атрофияси даражалари каби кўрсаткичлар инобатга олинмай, айнан бу кўрсаткичлар

узок муддатли натижаларни белгилайди. Қиёсий гуруҳда, 33 нафар беморда диафрагмокрурорафия энг кўп бажарилган бўлиб, 54%ни ташкил этган. Hill ташрихи 23 нафар (37,7%), Allison ташрихи 4(6,5%) ва Collis ташрихи 1(1,6%) беморда бажарилган.

Асосий гуруҳда диафрагма қизилўнгач тешиги юзасига кўра хирургик амалиётни танлашга қиёсий ёндашув, ҳамда эндовизуал хирургия бўлимида ишлаб чиқилган протезли хиатопластиканинг оригинал усулидан фойдаланилган. Ушбу усулга ихтирога патент олиш учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига ариза топширилган («Диафрагманинг қизилўнгач тешиги чурраларини хирургик даволаш усули» IAP №23124). Ушбу таклиф этилган усулнинг қулайлиги шундаки, уни ҳам лапаротом, ҳам лапароскопик йўл билан бажариш имконияти мавжудлигидир. Протезли хиатопластикадан кейин, ташрихдан кейинги даврда барча беморларга протез соҳасида яллиғланиш жараёнини камайтириш мақсадида тери орқали лазеротерапия ўтказилган.


Асосий гуруҳда диафрагмокрурорафия 18 нафар (41%), диафрагмокрурорафия протезли хиатопластика билан 22 нафар (50%) ва лапароскопик диафрагмокрурорафия протезли пластика билан 4 нафар (9%) беморда бажарилган.

**Протезли хиатопластикага кўрсатма.** Жаҳон адабиётларининг маълумотларига кўра, анъанавий крурорафиянинг турли вариантларида ДҚТЧ қайталаниши 10-42%ни, диафрагма қизилўнгач тешигининг сеткали имплантат билан пластикасида 5% ни ташкил этган. ДҚТЧ қайталанишини юзага келишида кейинчалик чокларни кесиш билан, айниқса ДҚТ катта ўлчамларида, диафрагма тикиладиган оёқчаларининг ортиқча тортилиши хал этувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Чурра дефекти ўлчамларини ўлчаш усули стандартлаштирилмаган, диаметр каби бундай кўрсаткични ўлчаш эса ногўғри ҳисобланади, чунки кўп ҳолларда ДҚТ учбурчак, ёки аниқроқ айтганда, тўнтарилган томчи кўринишида бўлади. F.A.Granderath ва ҳаммуал. 2007 й. томонидан таклиф этилган диафрагма қизилўнгач тешиги юзасини (ДҚТЮ) интраоперацион ўлчашга асосланган тадқиқот натижаларини нашр этдилар (1-расм). Уни куйидаги формула ёрдамида ҳисоблаганлар:

$$\text{ДҚТЮ} = \arcsin (K\ddot{Y} : 2 : B\ddot{Y}) \times B\ddot{Y}^2;$$

бунда,  $B\ddot{Y}$  – вертикал ўлчам;  $K\ddot{Y}$  – кўндаланг ўлчам.



1-расм. Диафрагма қизилўнгач тешиги юзасини ўлчаш



Ғ.А.Granderathва ҳаммуал. ДҚТЮ кўрсаткичини ўлчаш усулига ҳамда 787 ташрихларнинг ретроспектив таҳлили натижаларига асосланган ҳолда, ДҚТЧ таснифи яратилди:

Кичик –ДҚТМ< 10 см<sup>2</sup>;

Катта –ДҚТМ 10-20 см<sup>2</sup>;


Гигант –ДҚТМ> 20 см<sup>2</sup>.

Ушбу таснифнинг асосий ахамияти пластика усулига кўрсатмаларни аниқлашдан иборат бўлиб (кичик чурралардакрурорафия, катта ва гигант–аллопластика бажарилади), ДҚТЮ катталигига кўра қайталанишлар сонининг ортиши далилий тарзда асосланади.Таклиф этилган кўрсаткичлар ва таснифга кўра, асосий гуруҳда кичик ДҚТЧ 18 нафар (41%), катта 17 нафар (38,6%) ва гинат 9 нафар (20,4%) беморларда аниқланган.

**Ишлатилган аллоплантлар ва чокли материалларнинг тавсифи.** Россияда ишлаб чиқарилган «Экофлон» (Россия, Санкт-Петербург)сетка-протезлари ва Ethibond 3/0 (Johnson&Johnson, АҚШ) сўрилмайдиган чокли материалдан фойдаланилган.

**Диафрагма қизилўнгач тешиги чурраларини хирургик даволаш усули.**Таклиф этилган усулни шартли равишда икки босқичга: операцион ва ташрихдан кейинги босқичга ажратиш мумкин.

**Операцион босқич.**Диафрагма қизилўнгач тешиги чурраларини хирургик даволаш усули ташрихнинг умумий қабул қилинган босқичларидан ташқари, селектив проксимал ваготомия, Гейнеке-Микулич бўйича пилоропластика, фундопликацион манжетани шакллантириш, қизилўнгач орти крурорафию ва чоклар соҳасига U-симон сеткали имплантат қўйишдан иборат. Бунда фундопликацион манжета шакллантиришда, қизилўнгачнинг олдинги девори қамраб олинади,политетрафторэтилендан иборат (PTFE) U-симон сеткали протездан фойдаланилади. Бунда протезнинг горизонтал қисми диафрагманинг оёқчаларига тугунли чоклар (степлер) билан фиксацияланади, диафрагманинг қизилўнгач тешиги қирғоғидан 3-4 мм қолдириб, кўрсатилган протезнинг эркин майдонлари диафрагмага тугунли чоклар (степлер)билан фиксацияланади (2-расм).



**Расм 2. Протезни тайёрлаш ва уни диафрагмага фиксациялаш**

**Ташрихдан кейинги босқич.**Ташрихдан кейин 1-чи кундан бошлаб, “Сўғдиёна” аппарати ёрдамида 5 сеансли тери аро лазеротерапияси

ўтказилган. Кучсиз оғриқ синдромида импульслар частотаси 80 Гц, интенсив оғриқ синдромида 1500 Гц ташкил этиб, 1 сохага экспозиция вақти 256 с, хар куни битта сеанс давомида 3 сохага – тўшнинг қуйи уч қисми, эпигастрал қисм ва оғриқ нуқтаси сохасига таъсир кўрсатилди.

**Интраоперацион асоратлар.**Ташрих вақтида 90 нафар беморда ҳеч қандай асоратлар кузатилмаган, бу85,7% ни ташкил этган. Шулардан қиёсий гуруҳда 50 нафар (82%) ва асосий гуруҳда 40 нафар (90%) беморлар ташкил этган. Интраоперацион асоратларнинг тузилмавий таҳлили 5-жадвалда келтирилган.

**5-жадвал**

**Интраоперацион асоратларнинг тавсифи**

Асоратлар	Қиёсий гуруҳ	Асосий гуруҳ	Жами
Асоратлар ривожланган	11(18%)	4(10%)	15(14,3%)
Асоратлар ривожланмаган	50(82%)	40(90%)	90(85,7%)
Интраоперацион асоратларнинг тавсифи			
Вагуснинг шикастланиши	3(5%)	-	3(2,8%)
Плеранинг шикастланиши	4(6,5%)	2(4,5%)	6(5,7%)
Диафрагма қон томирларидан қон кетиши	2(3,2%)	1(2,2%)	3(2,8%)
Талокнинг ёрилиши	2(3,2%)	1(2,2%)	3(2,8%)
Жами	61(100%)	44(100%)	105(100%)

**Ташрихнинг давомийлиги.** Асосий гуруҳда “60 дақиқагача” бўлган ташрих давомийлиги кузатилган беморларни 19,6% дан 22,7% гача кўпайтиришга эришилди. “60-120 дақиқа” ли вақтли ораликда ҳам, қиёсий гуруҳга нисбатан (47,5%), асосий гуруҳдаги беморларнинг сони 68,1% гача ортиши кузатилган. Ташрихнинг техник жиҳатларини қайта ишлаш ва амалий малакаларнинг ошиши натижасида,«120-180 дақиқа» бўлган ташрих давомийлиги кузатилган беморлар сони, қиёсий гуруҳда26,2% ни ташкил этгани холда, асосий гуруҳда 9% гача камайтиришга эришилди. 3 соат ва ундан ортиқ вақтдаги ташрих давомийлиги фақат қиёсий гуруҳда кузатилган ва 6,5% ни ташкил этган.

**Ташрихдан кейинги асоратлар. Умумий асоратлар.**

Ташрихдан кейинги давр таҳлил қилинганида, 85 нафар беморда (81% ни ташкил этган) ташрихдан кейинги давр ҳеч қандай асоратларсиз кечган. 20 нафар (19%) беморда ташрихдан кейинги даврда умумий ташрихдан кейинги асоратлар кузатилган.

Асосий гуруҳда ташрихдан кейинги асоратлар сонини 29,5% дан 4,5% гача бўлган аниқликда қисқартиришга эришилди ( $\chi^2= 10.33, p=0.0013$ ).

**Специфик асоратлар.** Яқин муддатдаги ташрихдан кейинги даврда кузатилган специфик асоратларнинг умумий сони83,8%ни ташкил этди. Бунда, ДҚТЧ хирургик даволашнинг янги усули хисобига, специфик асоратларсиз беморлар сони қиёсий гуруҳда73,7% ни ташкил этгани холда,

асосий гурухда 97,7% гача оширишга эришилди. Специфик асоратлар 17 нафар беморда ривожланган бўлиб, 16,2% ни ташкил этган. Асосий гурухда, таклиф этилган усул хисобига, специфик асоратлар сонини, қиёсий гурухдагига (26%) нисбатан, 2,2% гача қисқартиришга эришилди ( $p=0.001$ ).

**Периоперацион давр давомийлиги.** Ташрихдан кейинги асоратларнинг профилактикасига йўналтирилган ДҚТЧ хирургик даволашнинг янги усулини тадбиқ этиш, ҳамда лапароскопик усулдан фойдаланиш имконияти хисобига асосий гурухда 91% бемор ташрихдан кейинги 5-кунда, лапароскопик ташрихлардан кейин эса, ташрихдан кейинги 3 ва 4-кунларда шифохонадан чиқарилган, бу 9% ни ташкил этган.

Қиёсий гурухда 5 кунгача муддатда шифохонадан чиқарилган беморлар бўлмаган.

Ташрихдан кейинги даврнинг қоникарли кечишида, қиёсий гурухда беморлар 5 дан 7 кунгача шифохонадан чиқарилган ва бу 49,1% ташкил этган. 7 дан 10 кунгача бўлган муддатларда 41% бемор шифохонадан чиқарилган, уларда умумий ва специфик асоратлар катта ўрин эгаллаган. Энг узоқ ташрихдан кейинги давр ҳам фақат қиёсий гурухдаги 6 нафар беморда кузатилган ва бу 9,8% ни ташкил этган.

**Узоқ муддатли натижалар.** Ўтказилган ташрихлардан кейин, 105 нафар беморлардан, 1 ойдан 2 йилгача бўлган узоқ муддатли даврда 93 нафар бемор текширилган, бу 88,5% ташкил этган, 12 нафар (11,4%) бемор эса назорат текшируви учун белгиланган муддатларга келмаганлар.

Қиёсий гурухда 61 нафар ташрих қилинган беморлардан 49 нафари (80,3%) текширилган, 12 нафари (19,6%) текширилмаган. Асосий гурухда ташрихдан кейин турли муддатларда барча 44 нафар (100%) беморлар текширилган.

Текширилган 93 нафар бемордан 77 нафаридида специфик асоратлар кузатилмади, бу 82,8% ни ташкил этди. 16 нафар беморларда (17,2%) турли специфик асоратлар аниқланган.

Асосий гурухда кечки муддатларда специфик асоратларнинг сони қиёсий гурухга нисбатан пастроқ бўлган ( $\chi^2=3,86$ ,  $p=0.049$ ).

Дисфагия 6 нафар (6,4%) беморда кузатилган бўлиб, бунда 4 нафар (8,1%) бемор қиёсий гурухга ва 2 нафар (4,5%) асосий гурухга тегишли бўлган.

Қайталанувчи рефлюкс-эзофагит 4 нафар (4,3%) беморда, улардан 3 нафари (6,1%) қиёсий гурухдаги ва 1 таси (2,2%) асосий гурухдаги беморда кузатилган.

Гастростаз 3 нафар беморда кузатилган бўлиб, 3,2% ташкил этган. Улардан, қиёсий гурухга 2 нафари (4%) бемор ва 1 нафари (2,2%) асосий гурухга тегишли бўлган. ДҚТЧ қайталаниши фақат қиёсий гурухдаги 3 нафар (6,1%) беморларда кузатилган. Бунда овқат қабулидан кейин зарда, кекириш ва тўш ортидаги “тиқилиш” хиссига ташрихгача шикоятлар билан қайталаниш билан клиник жиҳатдан аҳамиятли бўлган қайталаниш 2 нафар беморда кузатилган ва 4% ни ташкил этган. Ҳеч бир шикоятларсиз клиник

жихатдан аҳамиятли бўлмаган ДҚТЧ қайталаниши 1 та беморда (2%) кузатилган.

## ХУЛОСА

1. Тадқиқотимизда ДҚТЧ клиник белгилари орасида қуйидагилар кўпроқ учраган: зарда - 60,2%, кекириш - 52,2% ва эпигастрал соҳадаги оғрик -53,8% ташкил этган. Эндоскопик, рентгенконтраст текширув ҳамда мультислайсли компьютер томография текширувлар юқори информатив усуллар ҳисобланиб, ДҚТЧ турларини ва унинг асоратларини: I турдаги чурра – 144(57,8%), II турдаги чурра – 10(4%) ва III турдаги чурра – 95(38,1%) аниқлаш имконини беради.

2. Нур оптик текширувлар шуни кўрсатдики, сеткалар имплантациясида кузатувнинг эрта муддатларида, кучсиз яллиғланиш реакциялари кузатилган. Яллиғланишнинг пролифератив фазаси кечки муддатларда бириктирувчи тўқимали капсула шаклланиши билан яқунланади. Бу реакциялар кўпроқ PROCEED сеткаси имплантациясида кузатилган.

3. Сеткалар имплантациясидан кейин жароҳат соҳасига лазерли таъсир кўрсатиш яллиғланиш альтератив фазаси белгиларининг редукциясига олиб келган ва сетка юзасида нозик бириктирувчи тўқимали капсула шаклланиши билан яқунланган. У ҳам хирургик иплар жойлашган соҳада қон қуйилиш ўчоқларининг камайишига сабаб бўлади.

4. Специфик асоратлар ташрих ўтказилган беморларнинг ҳаёт сифатини анча ёмонлаштиради: дисфагия 17 нафар (6,8%), рефлюкс-эзофагит – 4(1,6%) ва гастростаз 15 нафар (6%) беморда кузатилган. Дисфагиянинг сабаблари: фундопликацион манжета гиперфункцияси – 10(4%) ва диафрагманинг қизилўнгач тешигини ортиқча тикиш – 7(2,8%) беморда кузатилган. Рефлюкс-эзофагит ривожланиши билан диафрагманинг қизилўнгач тешиги етарлича тикилмаганлиги – 4(1,6%) ва ошқозон атонияси билан намоён бўлган гастростаз– 15(6%) беморда кузатилган.

5. Протезли хиатопластикага кўрсатмаларга: диафрагма қизилўнгач тешиги юзаси  $10\text{см}^2$  ва ундан ортиқ, ҳамда чокларнинг қўйиб юборилиши ва ДҚТЧ қайталанишига олиб келувчи омил сифатида диафрагманинг бир ёки иккала оёқчалари атрофиясининг мавжудлиги киради. Протезли хиатопластиканинг тадбиқ этилиши, ҳамда ташрихдан кейинги даврда лазерли нурлантириш ташрихдан кейинги эрта даврда умумий ташрихдан кейинги асоратлар сонини 29,5% дан 4,5% га ( $\chi^2=10.33$ ,  $p=0.0013$ ), специфик асоратлар сонини 26% дан 2,2% га қисқартиришга ( $\chi^2=10.8$ ,  $p=0.001$ ) ҳамда ташрихдан кейинги 7 кун давомида шифохонадан чиқарилган беморлар сонини 49,1% дан 100% га ( $\chi^2=20,03$ ,  $p=0.000008$ ) кўпайтиришга имкон берган. ДҚБЧ II ва III турлари бўлган беморларда ДҚТЧ хирургик даволашнинг янги усулини тадбиқ этиш ҳисобига специфик асоратлар сониникечки муддатларда 24,4% дан 9% камайишига эришилган ( $\chi^2=3,86$ ,  $p=0.049$ ).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019. Tib.49.01 ПРИ  
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ  
ИМЕНИ АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ  
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

**САДИКОВ НАБИЖАН СОБИРЖОНОВИЧ**

**ПУТИ УЛУЧШЕНИЯ РЕЗУЛЬТАТОВ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ  
БОЛЬНЫХ С ГРЫЖАМИ ПИЩЕВОДНОГО ОТВЕРСТИЯ  
ДИАФРАГМЫ**

**14.00.27 – Хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ –2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана №B2019.1.PhD/Tib112.**

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **ХашимовШухратХуршидович**  
доктор медицинских наук

**Официальные оппоненты:** **Беркинов Улугбек Базарбаевич**  
доктор медицинских наук, профессор  
**ХаджибаевФарходАбдихакимович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** **Андижанский государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc. 04/30.12.2019.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичикхалка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за № 132). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичикхалкайули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2022 года).

**Ф.Г. Назиров**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор,  
академик

**А.Х. Бабаджанов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**А.В. Девятов**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней  
доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной организации здравоохранения на 2019 год грыжи пищеводного отверстия диафрагмы (ГПОД) составили 98% всех грыж этой области. Важно отметить, что у 50% больных ГПОД не вызывают никаких клинических проявлений и, следовательно, не диагностируются. Однако, с другой стороны, при развитии осложненного течения, проблема лечения этой патологии состоит не столько в том, чтобы купировать имеющиеся клинические проявления воспалительных изменений в слизистой пищевода на фоне рефлюкс-эзофагита, сколько в устранении основного этиологического фактора заболевания, послужившего причиной формирования этих изменений. Необходимо учитывать тот факт, что консервативное лечение даже при применении современного спектра лекарственных средств, по мнению многих авторов, дает только временный эффект. В частности, «у 44% пациентов, по крайней мере один раз в месяц появляются симптомы изжоги, 7% испытывают ее ежедневно»<sup>1</sup>. В связи с чем основным вариантом лечения клинически значимых форм ГПОД является хирургическое вмешательство. В свою очередь, «эффективность хирургических методик также относится к нерешенным вопросам, что связано с неудовлетворенностью как ближайшими, так и отдаленными послеоперационными результатами»<sup>2</sup>.

В мировой практике в настоящее время наиболее актуальными продолжают оставаться исследования по выявлению особенностей патогенеза развития ГПОД и их рецидива в зависимости от различных причинно-следственных факторов. Особое внимание уделяется изучению морфологических и иммуногистохимических аспектов взаимодействия тканей диафрагмы с различными синтетическими материалами, используемыми при протезной хиатопластике с учетом особенностей кровоснабжения области пищеводного отверстия диафрагмы, выраженности местной воспалительной реакции. Все больший интерес вызывают исследования по определению предикторов рецидива ГПОД у пациентов после антирефлюксной хирургии.

